

Қадр-қимматим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

3-ий ЧАШМАСИ

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 8 (216)

2013 YIL, Sentyabr


ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 Martdan chiqqan boshlagan



Мустақиллик – бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрўй-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан



Ватан

Оллоҳ налари тушган Ватаним,
Сенга бахшида этай жон - таним.
Маднинг тилларда бўлмоқда дoston,
Бунданда машҳур бўл, Ўзбекистоним.
Қалбим тўрида ажиб бир тўйғу,
Йироқдир мендан алам ва қайғу.
Сени шунчалар севдим юртим,
Ардоқлайин то туғилганча умрим.
Танитай сени бутун жаҳонга,
Кўтарай сени кўкка, осмонга.
Азиз муқаддас, мўғтабар даргоҳ,
Паноҳида сени аерасин оллоҳ.
Нечун сени мен онам деб билмай,
Нега сен учун мен таъзим қилмай.
Меҳриқ сенга бисёр, чекиндир Ватан,
О... Ватаним, сени қандай тасвирқлай.

Буюк Ўзбекистонсан...

Ўзбекистон, муборак истиқлол тўйинг,
Жаҳонда янғирасин санъатинг, кўйинг,
Буюк боболарим Утган бу юртим
Мустандил она юрт – Ўзбекистоним!

Келажак буюк Ўзбекистонсан,
Бош-роғлар аро жаннат маконсан,
Сен буюк ватансан, буюк ватансан,
Муқаддас она юрт – Ўзбекистонсан!

Йилдан-йил кўрқинг чирой очмоқда,
Бошимга кўйинг нурин сочмоқда.
Бутун жаҳон сени танитган юртсан,
Сен буюк ватансан – Ўзбекистонсан!

Халқимизнинг мақсади мангу тинчликдир,
Эвулик, ободлик – мустандилликдир.
Қалбимизда суюк – Ўзбекистонсан!
Келажак буюк – Ўзбекистонсан!
Нилуфар АЛЛАМУРДОВА, магистрант



Имкониятлардан фойдаланиб

Мен тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналишига Давлат гранти асосида биринчи бўлиб талабалikka қабул қилидим. Бунга эришишим учун биз ёшларга муҳтарам Президентимиз томонидан берилган қатта имкониятлардан фойдаландим.

Мен Ўзбекистон Республикаси Курол-ли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаганим учун оиламиз номига бир неча марта мақтов қоғозлари, ташаккурномалар юборилди ва менга олий ўқув юртига киришим учун имтиёзли йўланма берилди.

Ҳозирги кунда 1 босқич талабасиман ва ўз соҳамнинг билимдон мутахассиси бўлишдек мақсадимни амалга ошириш учун устозларим раҳбарлигида фан асосларини чуқур ўрганишга киришдим. Келгусида педагог деган энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлишга ҳақарат қиламан.

Комилжон ОЛИМЖОНОВ
Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши 1 босқич талабаси

Республика миқёсида фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ТАЛАБАЛАРИМИЗ

№	Талабанинг исми, отасининг исми	Факультети, курси	Илмий раҳбари	Эгалланган ўрни
БИОЛОГИЯ фани бўйича				
1.	Келдиев Абдулолик Анвар ўғли	Физика-математика факультети, 3-курс	Ш. Дониров ф.м.ф.н.	2-ўрин
ФИЗИКА фани бўйича				
2.	Норкулов Суннатжон Мустофоқул ўғли	Табиатшунослик факультети, 3-курс	Д. Имомова б.ф.н.	3-ўрин
МАТЕРИАЛЛАР ҚАРШИЛИГИ фани бўйича				
3.	Нишонов Хуршид Тожибоевич	Тасвирий санъат ва меҳнат таълими факультети, 4-курс	Доц.т.ф.н. С. Убайдуллаев	3-ўрин

Санъатим сенга, обод юртим

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан меҳнаткашлар ўртасида бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичи ана шундай деб номланди.

Ҳал қилувчи босқичда ўз истеъдодини намоиш этишга жазм қилган 200 нафар иштирокчилар танлов шартларига кўра, санъатнинг анъанавий ижрочилик, эстрада кўшиқчилиги, яқва ва ансамбль чолғу ижрочилиги бўйича ўзаро беллашди. Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган ҳамюртларимизнинг бир гуруҳига кўрик-танловнинг эсдалик совғалари топширилди. Жумладан, институтимиз ўқитувчилари Қаҳрамон

Бобоқулов ва Муслим Абилов Ўзбекистон Республикаси Давлат мустандиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловда 42 нафар қатнашчи қаторида "Ижрочилик маҳорати учун" номинацияси бўйича рағбатлантирилди. "Обод турмуш йили" даги маданий-маърифий анжуманда она-Ватан мадҳи, юртимиздаги ободлик, турмушимиз фаровонлиги, Истиқлолга таъзим туйғулари тараннум этилди.




XXI-АСР АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСРИ

Жаннатмакон юртимиз – Ўзбекистон мустақилликка эришган кунданок, давлатимизда олиб борилаётган муҳим ва кенг маънавий-маърифий, иқтисодий, сиёсий, маданий ислохотлар орқали бизнинг ҳаётимизда туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири – XXI аср – ахборот-технологиялари асри” да яшаётганлигимиздир. Бу ҳақда юртбошимиз И. А. Каримов ҳам “Мен XXI асрни маърифий маданият ва ахборот асри бўлишига ишонаман” деган эдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда давлатимизда фаолият юритаётган барча соҳаларнинг замонавийлиги, уларнинг компютерлашганлик шароитини фахр билан айтиш мумкин. Шу сабаб ила, нафақат жамиятимиз балки, ҳар биримизнинг ҳам ҳаётимизда информатика ва ахборот технологияларнинг ўрни ва аҳамиятини, тез суръатлар билан кириб келганлигини кўп бора таъкидлашимиз мумкин. Бунинг тасдиғи сифатида юртимизда иқтидорли ёшлар иштирокида интернет фестиваллари, форумлар анъанага айланиб бораётганлигини, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам интернетдан кенг фойдаланиш ҳолатларини ва уларнинг сони тобора кўпайиб бораётганлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Биз шу орқали информатика ва у билан боғлиқ фанларнинг кўпроқ ўзлаштиришимиз давр талабига айланмоқда. Ватанимизни ривожланган давлатга айланиши

учун замонавий ахборот технологияларини давлатимизнинг барча соҳаларига, жумладан таълим тизимига ҳам кўпроқ жорий қилиш зарур. Бу эса давлатнинг куч-қудрати бўлмиш – барқамол ёш авлоднинг ҳар томонлама замонавий ахборот технологияларига оид билимларини, чуқурроқ эгаллашлари учун замин яратлади. Ҳаммамизга маълумки, ахборот бу тушунти-



риш, хабар бериш каби маъноларни англатади. Ахборот шундай умумий ва чуқур тушунчаки, унга биз қисқа таъриф беролмаймиз.

Ҳа, ҳозирги кунда республикамизда замонавий ахборот технологиялари орқали биз яратган ахборотимизни кишиларга тезкорлик билан етказишимиз мумкин, шунингдек, кўп вақт ва меҳнат талаб қилиш ҳоллари камайганлигини кузатишимиз мумкин. 2005 йил 2-июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорининг қабул қилинишидан мақсад – замонавий компютер ва ахборот технологиялари соҳа-

сида етук мутахассислар, таълим муассалари учун олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва уларнинг сифатини оширишдир.

Демак, биз барқамол авлод комил инсонни тарбиялашимиз ва барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини, компютер воситаларини кенг ва оммавий тусда жорий этишимиз, улардан унумли фойдаланишимиз ва бу каби ишларга ҳар қачонгидан ҳам, кўпроқ эътибор беришимиз талаб этилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз ёшлар доимо жадаллик билан ривожланаётган юқори технологиялар, ахборот-компютер тизимлари замонида яшаётганлигимизни унутмаслигимиз керак. Шунингдек, биз мана шу давлатнинг бир аъзоси сифатида ҳамма вақт ахборотлардан самарали ва мақсадга кўра фойдаланишимиз, ахборотлар билан кўпроқ ишлаб, уни узатиб, қайта ишлатишимиз, замонавий компютер тизимлари ва дастурларни қўллашда кўникма, тажриба ҳосил қилишимиз лозим. Зеро, чуқур билимларга эга бўлган мутахассислар ҳар доим давлат ва халқ учун керакли инсонлар бўлиб келмоқда ва шундай самарага эришимизга ҳар доимгидан ҳам эътиборни қуяйтириб, барча тенгдошларимизни ҳам бу йўлга чорлашимиз муҳимдир.

**Илёмбек АТАБЕКОВ,
Меҳнат таълими
йўналиши талабаси**



Суратда: Янги педтехнологиялар асосида дарс ўтиш жараёни акс эттирилган.

Ватанга муносиб ёшлар бўлаёлик

Халқ қалбининг туб-тубида йиллар давомида армон бўлиб ётган дард ва изтироблар, орзу-интилишларнинг ўзига хос ифодаси бўлган Мустақиллик энг олий қадриятдир. Маълумки, дунёдаги бебаҳо бойлик бўлган тинчлик ва осойишталикни сақаш уни кўз қорачигидек асраш ҳар биримизни бурчимиздир.

Муҳтарам Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов, “Мустақиллик – Ўзбекистон давлатининг сиёсати инсонийлик ва

йўллар, зўравонликлар билан жорий этишга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ бу

YOSHLAR KELAJAGIMIZ



эзгулик тамойилларига асосланади” деган дастурий гоёни бутун дунёга баён қилди ва мана шу йигирма икки йилдирки, давлатимиз ана шу сиёсий принципга қатъий амал қилиб келмоқда. Бугун биз тарихий даврда-халқимиз олдида эзгу ва улғу мақсадлар қўйиб тинч-осойишта ҳаёт кечириётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб демократик жамият қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз. Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда қўлга киритаётган барча ютуқларимизни айнан мустақиллик берганини чуқур англаймиз. Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўлаб-қувватлагани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида қандай машум кунларни бошдан кечирганлигини биз яхши англаб олмоғимиз, бошимизга тушган фожеалар, фалокатларнинг асоратлари сабабли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолгани барчамизга сабоқ бўлиши керак.

Маълумки, халқимиз бошидан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий ривожланишга йўл қўйилмаган. Аксинча, халқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафқуранинг турли

соҳадага аҳволни тўғрилаш йўлида бир қатор чора-тадбирлар кўрилди.

Авалло, биз мана шундай гўзал, бетакрор юртда яшаётганимиз учун бошимизни тик тутган ҳолда фахрланишимиз керак. Чунки бундай келажаги буюк давлатда яшашнинг ўзи бир фахрдир.

Мустақиллик бизга ўз эркимизни, эркинликларимизни қайтариб берди. Биз ўзимиз истагандек асрий орзуларимизга Мустақиллик туфайли эришмоқдамиз.

Муҳтарам Юртбошимизнинг “Тилимизга бўлган эътибор бу – келажакка бўлган эътибор” деган сўзлари нечоғлиқ ҳақиқат эканлигини, Юртимизда таълимга бўлган эътибордан англаб олмоғимиз қийин эмас. Мустақиллик шарафи билан биз учун имкониятлар эшиги очилди. Бекорга биз “Мустақиллик – буюк нёма” – деб айтмаймиз, бу сўз заминда халқимиз, миллатимиз тақдирини ётганини яна бир бор ҳис қиламиз.

Тақдирни бизга берган энг катта инояти бу – Ўзбекистон деган жаннатмакон диёрда туғилиб мана шу бетакрор юртда истиқомат қилишдек бахт бизга насиб қилгандир. Биз бунинг қадрига етишимиз, ўқиш ва меҳнат фаолиятимизда ана шунга муносиб бўлмоғимиз лозим. Келажакки буюк давлат бўлмиш Ўзбекистонимизни кўз қорачигидек асраш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини асло унутмаслигимиз керак.

Уриб турса билмакда қоним,
Бунга бордир менинг
имконим.

Келажакки буюк тинчлик,
Сен Мустақил Ўзбекистоним!

Васила ОДИЛОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси

ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ҚАНДАЙ МАЗМУНГА ЭГА

Маълумки, бугунги интенсив шароитда таълим ва тарбия масаласи долзарб ва аҳамиятли мазмун касб этаётгани ҳеч қимга сир эмас. Бу жараёнда ҳар доимгидек калами ўқир, фикри тиник, билимдон педагоглар жамоаси таълим ва тарбиянинг жонқуярлари сифатида майдонга чиқдилар. Улар ўқувчини чуқур билимли бўлишини турли усулларни ўйлаб топиб, амалиётга тадбиқ этмоқдалар.

Минг афсуслар бўлсинки, бугун барча педагоглар ҳам юқоридаги каби тиришқоқ эмаслар. Улар бутун бошли мамлакат модернизациялашган бир пайтда ҳам эски, анъанавий ўқитиш услубидан фойдаланмоқдалар. Бу фикрлар фақат айрим таълим муассасаси педагогларига эмас, балки бутун бошли халқ таълими соҳасидаги аксарият педагогларга тегишлидир. Муддао шундаки, ўқитувчиларнинг барчаси ҳам янги услубда дарс ташкил эта олмаётдилар. Тўғрироғи, бунда натижа салмоғи паст. Нега? Негаки, уларнинг кўпчилиги ханузгача педагогик технология билан интерфаол усулнинг фарқини, улар қай шароитда уйғунлик касб этишини тушуниб етмаганлар.

Агар педагогик лўғатларга эътибор қаратсак, педагогик технологиянинг лойихавий дастурий асосга тегишлилигини, яъни дарс машғулотларини қандай режада олиб бориш лозимлигини тушунамиз. Буни қуйидаги таърифларда кўриш мумкин:

“Педагогик технология – бу ўқув жараёнини амалга оширишнинг сермазмун техникасидир”


(В. Беспалко)

“Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига етишиш жараёни тавсифи.”

(И. Волков)

“Педагогик технология – бу таълим шакллари жадаллаштириш вазифасини қўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш,

тадбиқ қилиш ва белгилашнинг изчил методидир. (ЮНЕСКО)



Юқоридаги фикрларни таҳлил қилсак, педагогик технология бу дарсни уюштириш, лойиҳалаш, зарур воситалар тизимини режалаштириш деган хулосага келамиз.

Янги педагогик технология бу – дарснинг ноанъанавий услубида ташкил этиш структураси, лойиҳаси бўлиб, дарс самарадорлигини кўзловчи жараёндир. Умуман олганда, янги педагогик технология мақсадга етишнинг энг мақбул стратегия (режа)сини ўзида акс эттирувчи, ҳар бир ўқувчининг иштирокини таъминлайдиган ва ўқитувчининг педагогик маҳоратини оширадиган ноанъанавий дарс тузилмаси, ишланмасидир.

Энди интерфаол усулнинг ролинини ойдинлаштирадиган бўлсак, интерфаол усуллар ўқитувчи билан бир қаторда ўқувчини ижодкорликка, фаолликка, излашувчанликка чорловчи, шунингдек, ватанпарварлик, дўстлик ҳамда муҳаббат каби тушунчаларни ўқувчи онгида тарбиялашга хизмат қилувчи воситадир. Янги педагогик технология ва интерфаол усуллар бу иккиси тана ва руҳ кабудир. Янги педагогик технология дарс жараёнининг скелети, яъни танаси ҳисобланса, унга руҳ (қизғинлик, ижодийлик, фаоллик) берадиган айнан интерфаол усулнинг ўзидир.

Бундай усуллар дарс жараёнининг илмий, тушунарли, қизиқарли ва жонли ўтишига хизмат қилибгина қолмай, ўқувчи шахсини ҳар томонлама (педагогик, психологик, ижтимоий) таъсир этишга ҳам хизмат қилади. Педагогларнинг маззуга мос равишда педагогик технология ва интерактив методларни танлаши ўқувчи шахсига таъсир этишининг, қолаверса, умумий мақсадларга эришишнинг муҳим омилдир.

Бу икки компонент қўшилган тақдирдагина дарсни инновацион педагогик асосида ташкил этилди, дейиш мумкин.

Шаҳноза КАТТАБЕКОВА,
Педагогика-психология
йўналиши талабаси

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ўғил-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиған, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан

Таъриба ўрганамиз

Ҳисоблашни билиш зарурми?

Сон ҳақидаги фан-арифметикага доир биринчи рус тилида 1703 йил ёзилган А.Ф.Магнитский дарслиги куйидаги сўзлар билан бошланади: "Арифметика ёки сон ҳақидаги фан-ҳалол, тоза, ҳамма учун тушунарли, қулай, кўп фойдали ва мақтовга сазовор, энг янги давргача яшаган арифметикачилар кашф қилган ва баён этган санаът". М.Ломоносов айтганидек, "биз олимлик дарвозасига арифметика орқали кирамиз ва ўзимизнинг узок ҳамда оғир аммо дунёни англашдаги қизиқарли йўлимизни шу фандан бошлаймиз".

Ҳозирги даврда компьютер ҳаётимизнинг бир қисмига айланган. Компьютернинг бизнинг ҳаётимиздаги ўрнини санаб ўтсангиз чеки йўқдир. Фойдали томонларини санасангиз шунда ҳам рўйхатнинг охирига етиб ололмаймиз. Компьютерсиз жуда кўп ишлаб чиқариш соҳалари тўхтаб қолади. Бу заминда энг ривожланган соҳа борки, компьютерга боғлиқ. Тўғри, ҳозирги ахборот ҳажми катталиги ва уни қабул қилиш, қайта ишлашни компьютерсиз бажариб бўлмайди.

Ҳозирги ўқувчи бирон мантиқий масала ёки мисол берилса, уни ечиш учун кўп вақт сарфлайди. Шу ва шунга ўхшаш масалаларни ўқувчиларга дарсни ривожлантириш қисмида берамиз. Масалан:

- 1. Хонада 4 та лампочка бор, 2 таси куйиб қолди. Хонада неча лампочка қолди?
2. Хонада 2 мушук бор, ҳар бининг қаршисида 3 тадан мушук бор, ҳар бирининг думида биттадан мушук бор. Хонада неча мушук бор?
3. Аҳмад шаҳардан келаяпти, унинг қршисида 3 та бола келаяпти. Ҳар бирининг қўлида 2 тадан сават, ҳар саватда 6 тадан олма 7 тада нок бор. Шаҳарга неча олма ва нок олиб бориляпти?
4. Улоқча ўрмон ичидаги думалоқ уйчага кириб қолди. Уйчанин ҳар бир бурчагида 2 тадан улоқча, ҳар бир улоқчанин думида 1 тадан улоқча. Хонада неча улоқча?
5. Катта залда балл бўляпти. Ҳамма рақсга тушяпти, жуфт-жуфт бўлиб. Лекин бир чеккада жуда гўзал қиз ўтирибди. Уни ҳамма рақсга таклиф этди, аммо у ҳаммага рад жавобини берди. Шунда бир йигит келиб уни рақсга таклиф этди. Қиз аввал рад жавобини берса ҳам, кейин розилик бергандай бўлади. Йигит қандай таклиф этган рақсга?

Бошланғич синфда математика фани программасида сонларни устун усулида кўпайтириш, қўшишни ўргатувчи мавзулар мавжуд. Ушбу дарсда бола буни қабул қилади ва амалиётда қисман қўлайди. Лекин қанча катта бўлгани сайин у энг осон усулга ўтади, калькулятор билан иш кўради. Тўғри, у вақт тежайди ва аниқ жавоб беради, кўпроқ масала ва мисол ечишда кўмак беради. Айтишингиз мумкин нега калькулятор ва компьютерга қарши чиқасизми? Биз бунга қарши эмасмиз. Таърибамдан келиб чиқиб куйидагиларни кўзатамиз.

Квадрат тенглама ечишда коэффицентларга қараб ҳақиқий илдиизга эгами ёки йўқми, тригонометрия формулаларини бир-биридан чиқариш қийин. Бундай мисолларни фақат математика дарсида эмас, балки бошқа дарсларда ҳам кўзатиш мумкин.

Фан ўқитувчилари сўзидан шундай хулоса келиб қилади: бола қандай биллади, формулани биллади, сонларни шу формулага қўяди, кейин ҳисоблашга келганда тўхтади. Бундай муаммони ҳамма ҳам қўяди, ўзинг нима қилдинг, деган савол ўз-ўзидан пайдо бўлади. Таърибамиздан келиб чиқиб куйидагиларни кўлайимиз:

- 1. Дарсинг ривожлантириш қисмида муаммоли масала ёки мисол бериб уни ечишга 5 дақиқа вақт берамиз. Масалани еча олмасак, кейинги машғулотда унинг ечимини топишга ҳаракат қиламиз.
2. Арифметик амаллар мавжуд масалаларни оғзаки ечишга ҳаракат қиламиз.
3. Ўқувчилар ўзи муаммоли масала тузишга жалб қилинади.
4. Сўзнинг харфлари алмаштирилиб, анаграмма тузилади.
5. Дидактик материалларда ҳайвонлар ёки гулларнинг макетларидан фойдаланилади. Чунки болаларда табиатга меҳр уйғотиш керак.
Излансак, келажак авлодни биллимли қилишнинг йўллари жуда кўп. Буларнинг ҳаммаси иш таърибага, атроф муҳитга ва болаларнинг интилишига боғлиқ. Энг муҳими эса, болаларни ана шу фаолликка, интилишга бошқариш.

Л. ИСМОИЛОВА,
Дўстлик иқтисодиёт касб-хунара коллежи математика фани ўқитувчиси
Ш. ЭРНАЗАРОВА,
Педагогика-психология йўналиши талабаси

ГЕОГРАФИК ҚОБИҚДАГИ ТАБИИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ҚУЁШ ВА ОЙНИНГ ТАЪСИРИ



Куйидаги сўзлар билан бошланади: "Арифметика ёки сон ҳақидаги фан-ҳалол, тоза, ҳамма учун тушунарли, қулай, кўп фойдали ва мақтовга сазовор, энг янги давргача яшаган арифметикачилар кашф қилган ва баён этган санаът".

Куйидаги сўзлар билан бошланади: "Арифметика ёки сон ҳақидаги фан-ҳалол, тоза, ҳамма учун тушунарли, қулай, кўп фойдали ва мақтовга сазовор, энг янги давргача яшаган арифметикачилар кашф қилган ва баён этган санаът".

Куйидаги сўзлар билан бошланади: "Арифметика ёки сон ҳақидаги фан-ҳалол, тоза, ҳамма учун тушунарли, қулай, кўп фойдали ва мақтовга сазовор, энг янги давргача яшаган арифметикачилар кашф қилган ва баён этган санаът".

Куйидаги сўзлар билан бошланади: "Арифметика ёки сон ҳақидаги фан-ҳалол, тоза, ҳамма учун тушунарли, қулай, кўп фойдали ва мақтовга сазовор, энг янги давргача яшаган арифметикачилар кашф қилган ва баён этган санаът".

Куйидаги сўзлар билан бошланади: "Арифметика ёки сон ҳақидаги фан-ҳалол, тоза, ҳамма учун тушунарли, қулай, кўп фойдали ва мақтовга сазовор, энг янги давргача яшаган арифметикачилар кашф қилган ва баён этган санаът".

Куйидаги сўзлар билан бошланади: "Арифметика ёки сон ҳақидаги фан-ҳалол, тоза, ҳамма учун тушунарли, қулай, кўп фойдали ва мақтовга сазовор, энг янги давргача яшаган арифметикачилар кашф қилган ва баён этган санаът".

бир қисмигина Ерга етиб келади ва ундаги ҳаёт учун хавфсизликни таъминлайди. Ер шарининг ҳар квадрат сантиметр юзасига тушаётган кўёш радиациясининг миқдори 2 кал.ни ташкил этади ёки Ер юзасига Кўёш чиқараётган энергиянинг 2 миллиарддан бир қисмигина етиб келади. Бу миқдордаги кўёш радиацияси географик қобикдаги ҳаёт учун оптимал шароитни вужудга келтирган.

2. Кўёш системаси марказида кўёш жойлашиб, сайёралар, хусусан Ер ҳам кўёш ҳам ўз ўқи атрофида бир текис айланганлиги сабабли сайёрамиз географик қобикдаги табиий жараёнлар ритмиклик хусусиятига эга. Бу ритмиклик кўёш фаолиятига, яъни унинг активлигига боғлиқ.

Олимларнинг сўнгги 200 йил ичида кўёш доғининг ўзгариши учунда олиб борган кузатишларидан маълум бўлишича, кўёшнинг активлик даражаси ҳар 11-12 йил ичида ўзгариб туради, оқибатла у билан боғлиқ ҳолда Ер шари географик қобикдаги табиий жараёнларда, хусусан иклимида ритмиклик вужудга келади.

Кўёш активлиги даврида қисқа тўлқинли нур сочилиши интенсивлиги ошиб, атмосферага кириб келади ва фотохимик реакция содир бўлиб, озонга айланади. Натияжада стратосферада озон миқдори кўпайиб (озон экрани), бир томондан ултрабинафша нурларни ушлаб қолиб, географик қобикдаги органик ҳаёт хавфсизлигини сақлаб қолса, аксинча узун тўлқинли (ёруғлик нури) нурни географик қобикка бемалол ўтказиб, фотосинтез жараёнини тезлаштиради, оқибатда атмосферада ва океанда кислород миқдори кўпаяди.

Иккинчи томондан, стратосфера температуранин кўтарилишига олиб келади. Стратосферада температуранин кўтарилиши ўз навбатида ҳавонинг зичлигига ва босимга таъсир этиб, унинг циркуляциясида эса Ер юзаси иклимининг ҳосил қилувчи тропосфера динамикасига таъсир этади.

3. Икки сайёраларни ҳосил қилган газ чангли булутнинг кўёшга яқин бўлганлиги туфайли, ҳароратнинг ўзгарилиги сабабли ундаги газлар буғланиб кетиб, оғир элементлар қолган. Шу туфайли ички сайёралар, хусусан, Ер жуда зич.

Ернинг ўртача зичлиги 5,5г/см.куб, Ер юзасининг майдони 510083000 км.кв. бўлиб, атмосферани, жумладан, сув ҳосил бўлиши учун етарли миқдорда водород-

ни ўзида ушлаб туришга етарли даражада катта. Агар Ер юзасида атмосфера босими бўлмаганда эди, у тақдирда сув буғланиб, унинг фазалари (бир турдан иккинчи турга ўтиши) бузилган бўлар эди.

4. Атмосферанин мавжудлиги туфайли кўёш энергияси таъсирида географик қобикда сувнинг бир фазадан иккинчи фазага ўтиши содир бўлади. Бу жараён ўз навбатида модда ва энергия алмашинувини вужудга келтириб, географик қобикда материянинг олий формаси ҳисобланган тирик мавжудотнинг яшashi учун оптимал шароит вужудга келтирган.

5. Атмосфера, бу электромагнит нурланишининг фильтри сифатида географик қобикда термодинамик ҳолатнинг доимийлиги таъминлиниб туришда муҳим аҳамиятга эга.

6. Ер шарининг энг ташқи қобиги ҳисобланган магнитосфера географик қобикнинг ташқи ой-наси сифатида уни кўёшнинг корпускуляр нурланиши-кўёш шамолдан ҳимоя қилиб туради. Агар магнитосфера бўлмаганда эди, кўёш радиацияси ҳеч тўсиксиз атмосферага келиб, ундан ўтиб, Ер юзасига етиб келган ва организмнинг ҳалок бўлишига олиб келган бўлар эди.

7. Кўёш Ердан шундай масофада жойлашгани, унинг тортишиш кучи Ойга нисбатан кучсиз ва қаршилиги Ернинг ўз ўқи атрофида айланганлиги таъсир этадиган даражада катта эмас.

8. Ер шари географик қобикдаги табиий жараёнларга Ойнинг таъсири анча катта. Ой ерга яқин бўлганлигидан қалқш тўлқини вужудга келиб, у океанларда яхши кўринади. Ой таъсирида вужудга келган қалқш қаршилиги Ернинг ўз ўқи атрофида айланганлиги нурларни ушлаб қолиб, географик қобикдаги органик ҳаёт хавфсизлигини сақлаб қолса, аксинча узун тўлқинли (ёруғлик нури) нурни географик қобикка бемалол ўтказиб, фотосинтез жараёнини тезлаштиради, оқибатда атмосферада ва океанда кислород миқдори кўпаяди.

Иккинчи томондан, стратосфера температуранин кўтарилишига олиб келади. Стратосферада температуранин кўтарилиши ўз навбатида ҳавонинг зичлигига ва босимга таъсир этиб, унинг циркуляциясида эса Ер юзаси иклимининг ҳосил қилувчи тропосфера динамикасига таъсир этади.

3. Икки сайёраларни ҳосил қилган газ чангли булутнинг кўёшга яқин бўлганлиги туфайли, ҳароратнинг ўзгарилиги сабабли ундаги газлар буғланиб кетиб, оғир элементлар қолган. Шу туфайли ички сайёралар, хусусан, Ер жуда зич.

Ернинг ўртача зичлиги 5,5г/см.куб, Ер юзасининг майдони 510083000 км.кв. бўлиб, атмосферани, жумладан, сув ҳосил бўлиши учун етарли миқдорда водород-

Бу шунчаки туш дея ўзига таскин берса ҳам Азимжон биринчи марта

онасини хомуш кўриши... Бугдой... Бу ниманин рамзи бўлди экан? Хосият ая бир вақтлар ўғли Азимжон ва кизи Роҳилани ёнига ўтқизиб, бугдой ҳақида ривоят айтиб берган эди. Эмишқи, оллоҳ инсонни яратгач, унга ризқ бўлсин дея бугдойни йўқдан пайдо қилибди. Уша пайтлари бугдой доналари бундай майда бўлмай, ҳар бири қовундек-қовундек келаркан. Азбаройи, тўқчиликдан одамлар ҳар дона бугдойдан бир тилим оларканлар-у, қолган қисмини ташлаб юборар эканлар. Буни кўрган Парвардигори олам "Агар нимаики мўл бўлса инсон уни увол бўлишига йўл кўяр экан", дея инсон боласини бугдой неъматидан маҳрум қилибди. Шундагина одамлар қилган хатоларини тушуниб етишиб ва Оллоҳдан авф этишини, яна ризқ беришини ёлворибди. Оллоҳ одамларни кечирибди, шунда аввал ташлаб юборилган бугдойлар ердан униб чиқибди. Аммо улар жуда майда ҳосил бераркан. Одамлар шунисига ҳам шукр қилиб, бугдойни, нонни азиз неъмат биландиган бўлишибди.

(Давоми 4-саҳифада)

ХИЖОЯ

Азимжон иш-хонасига келганида ҳам юрагидаги гашлик тарқамди. Ҳар тонггидек табассум билан кутиб олган котиба кизга аччиқ кўк чой дамлашни буюрди-ю, хонаси томон йўналди. Хонасига киргач иш столига ҳам ўтириш кўнглига сигмай, нима қиларини билмай бир дам тик қолди. Сўнг хонанин ўнг тарафига қатор тизилган ўриндиқлардан бирига чўқди. Сигарета тутатган бўлди. Агар котиба қиз пахта гулли чойнак кўтариб кирмаганда эди, ким билсин, Азимжон кун бўйи иш қозғозларига қарамасди ҳам. Котиба чой кўйиб бериб чиқиб кетган, Азимжон чолғиш учун иш қозғозларини кўздан кечирган бўлди. Кеча кунни бўйи яқунлай олмаган ишларини уйига олиб кетган эди. Уйда ҳам ярим оқшомгача ишлади, аммо бирибир кечки иш кечки-да, чарчоқ таъсир қилиб бирор ҳисобда англашилмовчилик бўлиши мумкин. Бугун бошлиққа шу ҳужжатлар юзасидан ҳисобот бериши керак. Азимжон шундай ҳаёллар билан иш ҳужжатларини қайта кўздан кечира туриб қозғозлар ичидан турли бўёқлар билан чизилган, устига катта-катта

БУҒДОЙЗОР

харфлар билан "Бугдойзор" деб ёзилган расм топиб олди. Кеча кечки овқатдан сўнг ишлаб ўтирганда кенжа ўғли Шохрухнинг кўлида қандайдир қозғозни кўрсатиб расм чизилганлигини мақтангани ёдига тушиб, жилмайиб кўйди. Расмда кенг бугдойзор тасвирланган бўлиб, пойи уфқларга туташиб кетган эди. Бирдан Азимжоннинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. Эрта тонгдан бери юрагини кемираётган гашлик яна бир гимирлаб кўйгандек бўлди... Кеча ярим оқшомга қадар ишлаган Азимжон қачон кўзи илингандигини билмайди, шундай иш ўрнида бошини қозғозларга қўйганча ухлаб қолибди. Туш кўрганмиш, тушида атроф кенг бугдойзор эмиш. Азимжон бугдойзор четида нима қиларини билмай турганида, қайқандир онаси пайдо

Талабалар ижодиган

бўлган эмиш. Азимжон онасини кўриши билан истикболга ошиқармиш-у, лекин оёқлари ўзига бўйсинмасмиш. Болам, бугдойлар пишиб етиляпти-ку, нега йигиштириб олмайсан, қара, тўкилиб увол бўляпти-я, онасининг гинали оҳангда айтган гапларидан сўнг Азимжон бугдойзорга қараса оёқлари олдидан то бугдойзорга қадар тиканаклар ўсиб чиққанмиш! Азимжон чўчиб кўзини очганда тонг оқара бошлаган эди. Шу уйғонганича қайта кўзи илинганди. Сўфитургай чирикламай ўрнидан туриб юз қўлини ювди. Нонушта ҳам кўнглига сигмади. То ишхонасига етиб келгунича ҳаёли онасида бўлди. Азимжон эсини танибдики, онаси Хосият яни хафа ҳолда кўрмаган. Хатто дилини изтироб кемирган дамлари ҳам ташқари чиқармасди бу аёл. Доим кулиб турарди. Энг сўнгги дамда ҳам кулиб туриб, "Мен сизлардан розиман болаларим", - деди-ю жон берди.

Табрик



Сангзор воҳаси да энг азиз келмакда эълон қилинган куннинг йигирма икки йиллиги шодиёналари бошланган кезларда "Ниҳол" мукофотининг 2013 йилдаги лауреатлари номи эълон қилинди. Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган мукофотга сазовор бўлганлар орасида институтимиз талабаси ҳам бор.

Талабамиз - «Ниҳол» мукофоти лауреати

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз - Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги эълон қилинган куннинг йигирма икки йиллиги шодиёналари бошланган кезларда "Ниҳол" мукофотининг 2013 йилдаги лауреатлари номи эълон қилинди. Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган мукофотга сазовор бўлганлар орасида институтимиз талабаси ҳам бор.

Зулхумор Мамарасулзода Зарбдор туманидаги Бўстон кўргонида туғилиб ўсди. Ёшлигидан ўзбек мумтоз кўшиқларини куйлашга ихлосмандлиги туфайли кенг жамоатчиликка танилди. Айни пайтда Жиззах Дав-

лат педагогика институтининг педагогика-психология факультетининг музика таълими йўналиши бўйича тахсил олаётган иқтидорли кўшиқчи қиз вилот ҳамда республика миқёсидаги кўрик-танловларда қатнашиб, совринли ўринларни

эгаллаб келмоқда. Шу билан биргаликда у устозлари етакчилигида музика санъати тарихини ўрганиш борасида изланмоқда.

- Айни кунларда Зулхумор кўшиқсеварлар учун янги дастур тайёрлапти, - дейди биз билан суҳбатда олий ўқув юртининг катта ўқитувчиси Абдуманнон Маҳаммадов. - Мумтоз ва замонавий кўшиқлардан иборат ҳисобот концерти умумхалқ байрами кезларида намоийиш эти-

Манаба илҳами

Шамол ишқи

Баланд тоғ устида, шамол йўлида
Борлиққа боқман эътирос билан...
Ажиб ҳисларим ҳам шамол кўлида,
Ўртаб оломиман эътироз билан.
Янада юксакка бошлайди шамол:
- Юр кетдик, беғубор булутлар томон...
Унинг сўзлари ҳам келмайди малол,
Кўллари ёзмаган уганим замон.
Борлиқ яна гўзал кўринар менга,
Туларнинг ифори мени ўрайди:
- Бундан бошқа яна не керак сенга?
Бахтлимисан? - дея шамол сўрайди.
Хайлар чулғаниб гулчибар мисол,
Она табиатни қайтадан безар,
Ажиб ҳисларимдан ранг олиб хайл
Камал рақини осмонга чизар...
Шамол шивирлайди қулқуларимга:
- Юрагинг бошқача урмоқда нечун?
Мен дейман: - Сен келиб қулқуларимга
Сенга нилгини айтганим учун...

Абдуманнон ҲАСАНОВ,

Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаси

(Давоми. Бошланиши 3-саҳифада)

Зеро, ҳозирги бугдойлар бир тилими кесиб олиниб ташлаб юборилган уруғлардан униб чиққан. Бугдой донасининг бир тилими кесиб олингандек кўриниши шундан экан.

Азимжон бу ривоятни хотирасига бир умрга муҳрлаб олди. Кейинчалик кенжатоғи Шоҳруҳ эртақ айтиб беринг деб хархаша қилганда унга ҳам айтиб берди. Хосият ая бугдойни муқаддаслигини фарзандларига ўқитар экан, шундай деб насиҳат қилган эди:

- Бугдой - азиз неъмат, болаларим, демек - бугдойзор ҳам нон ҳам азиз. Агар онангининг ҳолидан хабар олгани кетаётган бўлсанг-у, йўлингда бугдойзор чиқиб қолса, бундан бўлак йўлинг бўлмаса, онанг учун ҳам бугдойзорни босиш мумкин эмас. Агарда синглинигнни ёхуд онангини кўргани кета туриб йўлинг бугдойзордан ўтса, у ҳолда бугдойзордан юриш мумкин, ини ёки аканинг опа ёки синглисига бўлган жигарлик меҳри ҳаққи-хурмати Оллоҳ буни кечиради.

Азимжон онасининг ривоятлари, ўғитларини эслар

БУҒДОЙЗОР

Хикоя

экан, шу онда онасидан қолган якка-ю, ягона ёдгори-опаси Роҳилани эслаб кетди. Мана, келаятган яқшанба куну опасини кўрганига бир ой бўлади. Ушанда ҳам тўрттагина нон билан бирозга кириб ўтганиди. Соҳларига оқ ораб қолган Роҳила қанчалар қувониб кетгани Азимжоннинг ҳаммон кўз олдида турибди. Хаёлларга фарқ бўлиб ўтирган Азимжоннинг ичиди гўё икки қутб жанг қиларди.

"Наҳотки одам бўлиб опангдан ойда бир хабар олмасанг", - дерди биринчи овоз. Шу пайт иккинчи овоз унга эътироз қилди:

- Нима қилай, иш тизиг. Ярим йиллик тугалланаяпти, бу ёғи ҳисоботлар...
- Ўзингни оқламай қўяқол. Аввалги куну, тушлиқдан сўнг то кечга қадар ҳеч бир ишинг йўқ эди. Хонада димиқиб ўтирдинг-ку! Ўзинг ҳам бекорчиликдан зерикиб

"кун бунча узун-а" деб азимойиш қилдинг шу куну. Бир эсла!

- Тўғри, шу куну бекор эдим. Аммо идорани ташлаб кетолмасдим. Иш вақти туғамай... Мумкин эмас-да...

Иккинчи овоз забтига ола бошлади.

- Боҳона қидирмай қўяқол. Мушфиқа онанг эсингга келгани ҳам йўқ эди шу куну. Агар ишингдан кета олганингда ҳам уйингга борар эдинг. Излаган имкон топур, деган гапни эшитмаганмисан, инсоф билан айтганда икка нон-у, бир тутам вақт кимни ўлдирарди, Азим!

Азимжон ўз виждони томонидан бу маломатлар олдида ожиз эди.

- Барчаси ҳақиқат... Турмушнинг икки-чирларига ўралашиб, меҳрни ҳам унутиб юборяпмиз...
Азимжон шу куну барча ишларини тушлиққа қадар тартибга келтирди-ю, бош-

ликдан рухсат олиб тушлиқданг сўнг опасининг уйи томонга йўл солди.

Опа-ини бир-бирларини жуда соғинишган экан. То хуфтон номозига қадар гурунглашиб ўтиришди. Роҳила хуфтон номозини ўқиб бўлган, Азимжоннинг ёнига қайтиб қуръон тиловат қилди. Дуосини ота-онасининг руҳи покларига бағишлади. Кетар чоғи опаси Роҳиланинг узундан узоқ қараб қолгани, қўлинг бўшаганда келиб тур, соғинаман, дея жовдираб қолганидан кўнгли алланечук бўлиб кетди. Азимжон шу куну тиниқиб ухлади. Тушига тағин онаси кирганимиш. қўллариди катта-катта сават, ичи тўла нон билан Азимжонга ўзатиб:

-Болам ўзинг ундирган бугдойларингдан тайёрладим, иссиққина, еб оласанми, дермиш.

Эрталаб кайфияти аяло бўлиб ишга отланган Азимжон ишхонасидаги янгиликдан: бир ҳафта аввал бошқа лавозимга кўтарилган муовининг бўшаб қолган ўрнига тайинланганини ҳали ҳаёлига ҳам келтирмасди...

Орифжон ОДИЛОВ
Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаси

Зеро доно халқимиз айтганидек, "Бир тананг дўст, бир онанг". Арзир-арзимас нарса учун ўзингизни қийнашингиз, асабийлашингиз, хис-ҳаяжонга берилишингиз, ўз вақтида турли сабаблар важдан овқатланмаслигингиз оқибатида соғлиқ аталмиш кўргонингизга путур етказишингиздан ўзингиздан кўра онангиз азият чекади.

Шунингдек, онаизорнинг чексиз меҳр-муруватини суйистемол қилиб, ҳуда беҳудага онасининг дилини хуфтон қилгучилар ҳам борки, уларга қарата кўпчилик худодан инсоф сўрашади. Онага инсоф эмас, ҳурмат, чексиз меҳр-эътибор зарур. Она бундан ҳам кўлига лойик. Онасини норизо қилгучилар эса жазога муносиб, шундай бандаларини оллоҳ жазолайди ва пировардида яна шўрлик она қийналади, эзилади ва дейди: "онани яратмасин экан"...

Азиз газетхон, онажонингизнинг қалбида мана шундай аламли сўзлар бўлмаслиги учун ҳаракат қилинг.

Шаҳноза КАТТАБЕКОВА,
Педагогика-психология йўналиши талабаси

Мавнабият гулбоғидан Онани асрайлик кўз қорачиғидек

Она. Онажон. Муштипаргина она. Меҳрдан яралган сиймо. Она учун ким бир қатра ёки бир энлик қозоғга қалбидаги қўшиғини қасида қилиб битмабди демак, у яшамабди.

Онаизорни оллоҳ шу қадар мушфиқ шу қадар ожиза қилиб яратибдики, бунда бир сабабни оламни яхшилик нурлари билан бирлаштириш, одамларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат туйғуларини илдиришидир.

Халқда бир нақл бор, эмишши "онандан кечарлар, ёрдан кечилмас". Эвоҳ, фалак бу қадар бешафқат. Жонидан жон узиб, ҳар куну минг бор ўлиб тирилдириган онаизорга нисбатан худбинликнинг олий кўриниши...

Нега Ватани онага, айнан онага қийнашади, биласизми? Чунки Ватан

ҳам худди она каби фарзандидан воз кеча олмайди. Ундан хафа бўла олмайди, таъна қила олмайди. Уни топтасангиз ҳам сизга баргини очиб турареради.

Энг яхши ким биласизми? Бу сизнинг онангиз. Балки у кишида айрим камчиликлар мавжуддир. Аммо унинг вужудидаги юрак фақат сиз учун уради. Мабодо сизга бирор кор-ҳол бўлса борми...Ундан кўра у ўлимини афзал кўради. Сап-сарик ҳазон япроғидек бағри дили зардоб эмас, захар билан тўлиб тошади. Унинг сурати юради гўёки ер юзида.

Бизнинг мудоао шуки, онангиз учун ўзингизни асранг. Ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч вақт онаизорингиз каби сиз учун қайғурмаган ва қайғурмайди ҳам..

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган вақти — 19.00 Топширилди — 18.00 Навбатчи: М. Абдуллаев.

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика
институтини.

«Jizzax-Print»
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili:
Jizzax shahri, 130100.
Sayiljoyi ko'chasi,
4-uy.

Офсет усулида 6250 нусхада босилди.
Буюртма № . Shaki-A-3.

ЗИЁ ЧАШМАСИ

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институтини